O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2007 йил 27 ноябрь, № 234 (4387) Сешанба

*Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампанияси янги паллага кирди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари бошланди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов 26 ноябрь куни Сурхондарё вилоятида сайловчилар билан учрашди.*

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ СУРХОНДАРЁЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

Тадбирни 10-Сурхондарё округ сайлов комиссияси раиси Р. Ашуров очди. Йиғилганлар номзоднинг дастури билан таништирилди. Дастурда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш, жумладан, фермерлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, сармоявий муҳитни янада яхшилаш, солиқ юкини камайтириш, ишлаб чиқаришга юқори технологияларни кенг жорий этиш, аҳолининг реал даромадларини янада ошириш каби муҳим масалалар ўз ифодасини топган.

Учрашувда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Миллий давлатчилик, демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти асослари яратилди. Жамиятимиз ҳаётини демократлаштириш ва эркинлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш, бозор иқтисодиётига асосланган ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Ислом Каримов ўз нутқида Сурхондарё ҳудудидан буюк алломалар етишиб чиққанини, бу ерда меҳнаткаш, бағрикенг инсонлар яшашини таъкидлади. Ушбу воҳа улкан табиий захираларга бой, энг муҳими, вилоятда бу ресурсларни ўзлаштиришга қодир юксак малакали мутахассислар кўп. Вилоятда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Жорий йилда «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўлининг ишга туширилгани бунинг ёрқин мисолидир.

Учрашувда Денов туманидаги "Баҳриддин" фермер хўжалиги раҳбари Баҳром Дилов, Термиз туманидаги "Дўстлик" қишлоқ врачлик пункти мудираси Зебунисо Ёдгорова, Термиз паррандачилик фабрикаси директори Холмамат Норматов, Ўзбекистон халқ бахшиси Шоберди Болтаев ва бошқалар Ўзбекистонда мустақилликни мустаҳкамлаш, ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётни ривожлантириш, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини юксалтириш борасида амалга оширилган кенг кўламли ишлар бевосита Ислом Каримов номи билан боғлиқ эканлигини таъкидладилар. Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлаш барча соҳаларда олиб борилаётган туб ислоҳотларни изчил давом эттириш, иқтисодиётни ривожлантириш, халқимиз турмуш фаровонлигини янада оширишнинг муҳим кафолати эканлигини алоҳида қайд этдилар.

**А. БОБОЕВ,**
**Х. МАМАТРАИМОВ,**
***ЎзА махсус мухбирлари.***

## ҚИШЛОҚНИНГ ЧЕМПИОН ҚИЗЛАРИ

***Кейинги беш йилда Қашқадарё вилоятида 55 та болалар спорти иншоотлари қурилди. Бунинг учун 8859,8 миллион сўм маблағ сарфланди. Улар 582 миллион сўмлик спорт жиҳозлари билан таъминланди. Хўш, ҳозирда мазкур спорт иншоотларидан қандай фойдаланилмоқда?***




Кураш бўйича жаҳон чемпиони, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Қашқадарё вилояти филиалининг директори Баҳром Авазовга юқоридаги савол билан мурожаат қилдик.

— Жамғармамиз маблағи ҳисобига қурилган янги замонавий болалар спорт мажмуалари фарзандларимизнинг севимли масканига айланиб улгурди. Уларда шуғулланаётган ёшлар орасидан республика, қитъа ва жаҳон биринчиликларида муваффақиятли қатнашаётган спортчилар етишиб чиқмоқда. Бундан ташқари, 46 та мактабда янги спорт заллари қурилди, спорт майдончалари, стадионлар реконструкция қилинди. Ҳозир вилоят халқ таълими бошқармаси тизимидаги 1099 та мактабдан 495 тасида замонавий спорт заллари фаолият кўрсатмоқда. Шунинг натижасида спорт билан мунтазам шуғулланадиган болалар сони беш йилда 143,4 минг нафардан 199,9 минг нафарга етди.

Яккабоғ туманининг Яккабоғ қўрғонидаги, Ғузор туманининг Чаноқ қишлоғидаги, Косон туманининг Гувалак қишлоғидаги болалар спорт мажмуалари фаолияти, айниқса, диққатга сазовордир. Уларда раҳбарлик ва мураббийлик ишига ўз касбининг фидойилари, спорт жонкуярлари жалб қилинганлиги учун юқори натижаларга эришилмоқда.

(Давоми 4-бетда).

### Олий Мажлис Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси олдидан

***Мамлакатимиз мустақил бўлгач, тадбиркорлар ва ишбилармонлар учун кенг имкониятлар эшиги очилди. Қолаверса, уларнинг манфаатларини ҳуқуқий муҳофаза этиш тамойиллари ҳам тўла ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси кун тартибига ҳам ана шундай масалалардан бири киритилган.***



## Қонун тадбиркорни ҳимоя қилади

*Бу — "Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни деб номланади. Мазкур Қонунни шарҳлаб беришни сўраб, юқори палатанинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси аъзоси Абдурашид Алтиевга мурожаат қилдик.*

— Аслида бу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги "Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори асосида ишлаб чиқилган, — дейди Абдурашид Султонович. — Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан "Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар

(Давоми 2-бетда).

## ИСТЕЪДОДЛАР ТАНЛОВИ

***Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар кўрик-танловининг Жиззах вилояти босқичи якунланди. Унда 61 нафар қиз беш йўналиш бўйича истеъдод ва маҳоратини намойиш этди.***

Янгиобод туманидан қатнашган 19 ёшли Севара Норқулованинг Ватан меҳри билан йўғрилган расмлари, мирзачўллик Симбат Ўсербоеванинг дўмбира жўрлигида ижро этган терма ва ўланлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Иштирокчиларнинг ижодий ишлари кўргазмасидан халқ амалий санъати ва ҳунармандчилиги намуналари жой олди. Бу — ёшларимизнинг замонавий илм-фан ва маданият ютуқларини ўзлаштириш баробарида миллий қадриятларимизга юксак ҳурмат ва муҳаббатидан далолатдир.

Истеъдодли ёшлар орасидан ғолибларни аниқлаш осон бўлмади. Танлов қизларнинг фақат амалий санъат, адабиёт соҳасида эмас, илмий йўналишларда ҳам жиддий изланишлар олиб бораётганини кўрсатди. Масалан, Жиззах тумани Равот қишлоғида яшовчи 17 ёшли Севара Холматованинг аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги илмий ишланмаси амалий аҳамиятга молик лойиҳа сифатида мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди.

— Мазкур нуфузли беллашувда иштирок этганимдан жуда хурсандман, — дейди Жиззах олимпия захиралари коллежи мураббийси Замира Турсунова. — Мен хотин-қизларни, болаларни теннисга жалб этишга доир илмий-услубий қўлланма ишлаб чиқдим. Танловда изланишларим малакали мутахассислар синовидан муваффақиятли ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Иномова қатнашди.

**Т. БЕКНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

***Бу йил мусулмонларнинг муқаддас Ҳаж зиёрати Ўзбекистон фуқаролари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампаниясининг якуний босқичига тўғри келади. Жорий йилда 5 минг нафарга яқин ҳамюртимиз Ҳаж сафарини адо этади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган сайлов ҳуқуқидан фойдаланиш зиёратчиларга олдиндан овоз бериш имкониятини яратади.***

## МУДДАТДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ ҲУҚУҚИ

Бу "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунга тўла мос келади. Ушбу Қонуннинг 31-моддасида сайлов куни истиқомат жойида бўлиш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз истиқомат жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақаларини талаб қилиб олиши, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар хусусида қарорга келиши ҳамда тўлдирилган сайлов варақаларини конвертга яширган ҳолда участка комиссиясига қолдириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ушбу қонун нормасининг ижросини таъминлаш доирасида 16 ноябрь куни бўлиб ўтган мажлисида Ҳаж тадбирларида зиёратчи сифатида иштирок этувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича овоз беришларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Хусусан, мазкур қарорда зиёратчиларнинг муддатдан олдин овоз бериши участка сайлов комиссиялари томонидан уларнинг яшаш жойларида ташкил этилиши лозимлиги таъкидланган. Бунда Ҳаж амалини адо этиш учун кетаётган барча фуқаролар қонунда белгиланган тартибда сайлов варақалари билан таъминланади.

**(ЎзА).**

### Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига



***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида «Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуклигининг ифодаси» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Мамлакатимиз Конституциясининг 15 йиллигига бағишланган ушбу анжуман Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.***

## ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ – ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

Мазкур қўмита раиси Н. Исмоилов бошқарган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партиялар, манфаатдор вазирлик ва идоралар, ташкилот ва муассасалар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Анжуманда Асосий қонунимизда инсон, унинг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари энг олий қадрият сифатида муҳрлангани алоҳида таъкидланди. Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши ва ислоҳотларимизнинг муваффақияти, кўп жиҳатдан, халқимизнинг ҳуқуқий маданияти даражасига ҳам боғлиқдир. Зеро, юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори бўлиб, турли хил ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, фуқароларнинг, барча ижтимоий гуруҳларнинг жипслашувига кўмаклашувчи муҳим омиллардандир.

Аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришда Ўзбекистон

(Давоми 2-бетда).

## ТАРАҚҚИЁТИМИЗ МАНБАИ

Конституция — инсон онгининг маҳсули. У янгиликнинг эскилик устидан, эзгуликнинг разиллик устидан, адолатнинг ҳақсизлигу зўравонлик устидан, тараққиётнинг тўсқинлик устидан ғалабаси натижасидир, десак хато бўлмайди. Конституция оддий қонунлар каби нафақат мавжуд ижтимоий муносабатларни аниқловчи, балки келажак мақсадларимизни белгилаб берган ҳужжат ҳамдир. Унинг муқаддимасида битилган вазифалар: инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитетига содиқлик; ҳозирги ва келажак авлод олдидаги юксак масъулиятни англаш; ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниш; демократия ва ижтимоий адолатга содиқлик; халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини эътироф этиш; инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо қилиш; фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш орқали мамлакатимиз фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлашни назарда тутади.

Бу мақсад ва вазифалар Конституциямизнинг барча нормаларига сингдирилган. Унда белгиланган ҳаётбахш ғоялар ва улар туфайли вужудга келган нормалар асосида давлатимиз суверенитети, мустақиллиги мустаҳкамланиб бормоқда. Ўзбекистон тўлақонли давлат сифатида фаолият кўрсатиб, халқаро ҳамжамиятда муносиб ўринга эга бўлди, сўзига ва йўлига эга давлатга айланди.

2007 йил 23 декабрда ўтказиладиган Ўзбекистон Президентлигига сайлов ҳам Конституция яратган имкониятнинг ёрқин ифодасидир. Унинг натижасида фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштироки яна бир карра намоён бўлиши аниқ. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сайлов тизими ҳақидаги асосий қоидалар Конституциямизда белгилаб қўйилган, яъни фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари конституциявий даражага кўтарилган. Бу Ўзбекистон Конституциясининг муҳим, шу билан бирга, ўзига хос хусусиятидир.

Қонун устуворлиги ҳаётий заруратга айланмоқда. Қонунчилик тизими мустаҳкамланиб, янги-янги қонунлар қабул қилинмоқда. Улар Конституция нормаларининг бир маромда ишлашини таъминламоқда.

Инсоннинг "яшаш ҳуқуқи" ва "дахлсизлиги"ни таъминлашдаги Конституция нормаларини рўёбга чиқаришда 2008 йил 1 январдан кучга кирадиган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида" ва "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш ҳақида"ги Қонун ҳужжатлари муҳим роль ўйнайди. Инсон, унинг ҳаёти олий неъмат. Ўлим жазосини бекор қилиш билан биз нафақат демократик тамойилларга, муқаддас китобларимиз ўгитларига ҳам амал қилишимизни намоён этдик. Шундай жазонинг мавжудлиги туфайли ўтмишда кўплаб кишилар, ҳатто, гуноҳсизлар ҳам ҳаётдан маҳрум қилинган. Биз мустақиллик натижасидагина шу ноинсоний, ваҳшиёна ҳолатга барҳам бериш имкониятига эга бўлдик. Бизнинг бу ишимизни жаҳон жамоатчилиги ҳам қўллаб-қувватламоқда.

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан судларга ўтказиш эса адолатни янада кучайтиради, асоссиз қамоққа олишлар барҳам топади. Судга ишонч кучаяди. Натижада Конституциямизда белгиланган шахс дахлсизлигини таъминлаш имконияти ортади. Табиийки, бу ишлар суд-ҳуқуқ соҳасини эркинлаштиришда, инсон ҳуқуқларини таъминлашда, уларни олий қадрият даражасига кўтаришда мардонавор қадам бўлди.

Конституция нафақат давлат фаолиятини, балки давлат билан фуқаро ўртасидаги муносабатни ҳам тартибга солувчи ҳужжатдир. Унда фуқаро манфаати устуворлиги белгиланган. Конституциямиз "Ҳокимият" ва "Эркинлик" ўртасида тўғри ва мутаносиб мувозанатни ўрната олган. Акс ҳолда, ё диктатура (зўрлик), ё анархия (бошбошдоқлик) вужудга келиши мумкин.

(Давоми 2-бетда).

## 23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

# НОМЗОДЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

***Мамлакатимиз сайлов тизими халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари бўлмиш умумийлик, тенглик, тўғридан-тўғри, яширин овоз бериш, эркинлик ҳамда ихтиёрийлик, очиқлик ва ошкоралик каби муҳим принципларни сайлов қонунчилигида мустаҳкамлаган.***

***Биргина тенгликни мисол қилиб оладиган бўлсак, мазкур принцип ижтимоий келиб чиқиши, мулкий аҳволи, ирқи ёки миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулот тури ва хусусиятидан қатъи назар, фуқароларнинг тенг сайлов ҳуқуқини кафолатлайди. Мазкур кафолат нафақат сайловчиларга, балки сайланувчи номзодларга ҳам тааллуқли бўлиб, миллий қонунчилигимизга биноан, улар тенг ҳуқуққа эгадирлар.***

Номзодлар ҳуқуқлари кафолатлари "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 28-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланиб, ушбу қонуннинг 36-моддасига асосан, овоз бериш якунлари эълон қилинган кундан ўн кун ўтгандан сўнг тугалланади.

Номзодлар ҳуқуқлари номзодлик мақомига эга бўлган шахсларга қонунчиликда белгиланган ҳуқуқ нормалари доирасида вужудга келувчи хатти-ҳаракати, феъл-атворининг меъёридир.

Сайлов қонунчилигига биноан, уларнинг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда иштирок этиши, шунингдек, ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан биттадан кузатувчилар қатнашиши (5-модда), оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, сайловчилар билан йиғилишларда ҳамда сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказиши, йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиладиган вақт ҳамда жой ҳақида сайловчиларга барвақт хабар қилиниши (28-модда) таъминланади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ўзининг келгуси фаолият дастури билан чиқиши (28-модда), сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловолди йиғилишларида сўзга чиқиш, телевидение кўрсатувлари ва радиоэшиттиришларида қатнашиш вақтида сайловни ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда, ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод бўлиш ($28^1$-модда), Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида давлат йўловчилар транспортининг барча турларида (шаҳар йўловчилар транспортидан, таксидан ва транспорт бошқа турларининг буюртма йўналишларидан ташқари) бепул юришга ($28^1$-модда) ҳақлидир.

Қолаверса, номзодларга 15 нафарга қадар ишончли вакилларга эга бўлиш (29-модда), номзодликдан воз кечиш (сайловга кечи билан етти кун қолганида, 26-модда) ҳуқуқи кафолатланади.

Қонуннинг $28^1$-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ҳуқуқларининг кафолатлари белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг миллий сайлов қонунчилигида белгиланган номзодлар ҳуқуқларининг кафолатлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларига тўла мос келади. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси (2,7,21-моддалар), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт (25-модда), 1990 йилда қабул қилинган инсонийлик мезонлари бўйича Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Копенгаген ҳужжати (7.7, 7.8-бандлари), «Аёлларга нисбатан камситишларни бартараф қилиш тўғрисида"ги Декларация (4-модда), 1994 йилда Парламентлараро иттифоқ қабул қилган "Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисида»ги Декларация (3-4 бандлар), 2002 йили Венеция комиссияси томонидан қабул қилинган Сайловларга нисбатан дастуриламал принциплар (2.3 банди)да белгиланган тамойиллар бизнинг қонунчилигимизга ҳам айни мос тушади.

Масалан, биргина 2002 йили Венеция комиссияси томонидан қабул қилинган "Сайловларга нисбатан дастуриламал принциплар"нинг номзодларга тенг имкониятлар берилишини назарда тутувчи 2.3-бандини мисол қилиб келтирадиган бўлсак, унда барча номзодларга тенг имкониятлар кафолатланиши, бу эса сайлов кампаниясида, оммавий ахборот воситаларида, хусусан, давлат оммавий ахборот воситаларида ёритилишида, сайлов кампаниясининг ва номзодлар кўрсатган сиёсий партияларни давлат маблағлари ҳисобидан молиялаштирилишида тенг имкониятлар яратилишини назарда тутади. Шунингдек, Парламентлараро иттифоқ қабул қилган "Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисида"ги Декларациянинг 3-бандида ҳар бир номзод оммавий ахборот воситаларида чиқишда тенг имкониятларга эга бўлиши лозимлиги қайд этилган. Ўзбекистон эса мазкур қоидаларни мустақилликка эришган дастлабки ойлардаёқ, яъни 1991 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунининг 6, 28-моддаларида белгилаб қўйди. Мазкур ҳужжатларда молиялаштириш ҳам тенг бўлиши назарда тутилади.

Мамлакатимиз сайлов қонунчилигининг яна бир афзаллиги шундаки, бизда номзодларнинг сайловолди ташвиқоти билан боғлиқ фаолияти давлат маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ҳуқуқларининг асосий кафолати Конституция ва қонунлардир.

Номзодлар ҳуқуқлари кафолатини таъминлашда одил судловнинг аҳамияти катталигини эса алоҳида таъкидлашимиз даркор. Чунки судлар сайловга оид фуқаролик ҳамда жиноят ишларини кўриб чиқиш ва ҳал қилиш йўли билан ҳуқуқлар кафолатлари таъминланишида қатнашадилар.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 272-моддасига асосан, сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят суд томонидан шикоят берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай кўриб чиқилиши, агар сайловга олти кундан кам вақт қолган бўлса, дарҳол кўриб чиқилиши лозим.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг $28^1$-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши ёки суд томонидан бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори бунга розилик берган тақдирда, Марказий сайлов комиссиясини дарҳол хабардор этади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни мажбурий келтириш, шунингдек, унинг шахсий буюмларини, юкини, транспортини, тураржой ва хизмат биноларини кўрикдан ўтказишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 146, 147-моддаларида сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакил ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш учун жавобгарлик белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз сайлов қонунчилигида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ҳуқуқлари тенг ва адолатли равишда кафолатланган ва бунинг учун етарлича ҳуқуқий асослар яратилган. Мазкур кафолатларни таъминлаш учун тегишли тузилмалар фаолият кўрсатмоқда.

Номзодлар ҳуқуқларининг кафолатланганлиги биз демократия ва демократик қадриятларни кундалик ҳаётимиз ва онгу тафаккуримизга сингдириш йўлида улкан қадамлар қўйганимизни ҳамда ҳеч кимдан кам бўлмаган сайловга оид қонунчилик ва тажрибага эга эканлигимиздан далолатдир.

**Ўктамхон ҚОДИРОВА,**
**ҳуқуқшунос.**

## Олий Мажлис Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси олдидан

# ҚОНУН ТАДБИРКОРНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

киритиш тўғрисида" деган ном билан қабул қилинган ва у кўриб чиқиш учун Сенатга юборилган.

Мазкур Қонун саккизта моддадан иборат. Бу ҳужжатнинг қабул қилиниши Фуқаролик кодексига, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги, "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги қарори билан тасдиқланган «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 3-бандига мувофиқ, тугатувчи деганда тугатиш комиссияси ёки жисмоний шахс тушунилади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг "Юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган шахснинг бурчлари" деб номланган 54-моддасига тугатувчи жисмоний шахс бўлиши мумкинлиги аниқлаштирилган ўзгартишлар киритилмоқда. "Юридик шахсни тугатиш тартиби" деб аталувчи 55-моддасидаги ўзгартиш эса "тугатиш комиссияси" атамасини "тугатувчи" атамаси билан алмаштиришни назарда тутади. Атама билан боғлиқ шундай ўзгартишлар "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг "Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатлари" деб номланган 65, "Жамиятни тугатиш" деб юритиладиган 101, "Жамиятни тугатиш тартиби" деб аталадиган 102 ҳамда "Тугатилаётган жамият мол-мулкини акциядорлар ўртасида тақсимлаш" деб номланган 103-моддаларига, "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг "Қарздор юридик шахс қайта ташкил этилганда ва тугатилганда ундирувни қаратиш тартиби" деб номланган 62-моддасига, "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг "Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг ваколатлари" деб номланган 30 ва "Жамиятни тугатиш" деб номланган 55-моддаларига ҳам киритилмоқда.

"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг "Текширишларни ўтказиш учун асос" деб номланган 9-моддаси, «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 20-бандига мувофиқ, ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектлари бўлмиш юридик шахсларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг юридик шахс тугатилиш жараёнида эканлиги тўғрисидаги билдириши асосида давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилишини, текшириш муддати ўттиз календарь кундан ошмаслиги кераклигини белгиловчи қоида билан тўлдирилмоқда.

Энг муҳими, "Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш тартибини takомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, шунингдек, қонунчилик техникаси қоидаларига ҳам тўла мос келади.

**Э. БОЛИЕВ ёзиб олди.**

## Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига

# ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ — ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Халқ таълими вазирлиги, тегишли давлат идоралари ва жамоат бирлашмалари билан ўрнатилган ўзаро ҳамкорлик ижобий натижалар бераётгани таъкидланди.

Мактабгача тарбия муассасалари ҳамда умумий ўрта-таълим мактабларида ҳуқуқий таълим ва тарбияни самарали амалга оширишни таъминлаш мақсадида тегишли ўқув дастурлари ва услубий тавсияномалар изчил жорий этилмоқда. Педагоглар ва тарбиячиларнинг малакаси ошириляпти. Буларнинг барчаси ўқувчиларда ҳуқуқий маданиятни, қонунга ҳурмат ва ҳуқуқий эътиқодни шакллантиришга хизмат қилаётир.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришдаги ўрни, ёш авлодни ҳаётга тайёрлашда «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» нинг аҳамияти, Конституцияни ўрганишда ҳуқуқий таълим-тарбия усуллари, воситалари ва уларни янада такомиллаштириш йўллари, ўқувчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда оила — маҳалла — мактаб ҳамкорлигига доир маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди.

**Т. БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ТАРАҚҚИЁТИМИЗ МАНБАИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Яна айтишимиз мумкинки, Конституциямиз жамият қонуни ҳамдир. Унда жамиятдаги барча, энг муҳим муносабатларни тартибга солиш назарда тутилган. Яъни, у ҳаётимизга ҳуқуқий озуқа бермоқда, уни ҳар томонлама ҳуқуқий тартибга солиб, ўзи ҳам ҳаёт билан бирга ҳамоҳанг ривожланмоқда, такомиллашмоқда. Зеро, Бош қомусимиз мамлакатимизнинг ҳаёти ривожини таъминловчи манба ҳамдир.

Конституциямизга киритилган ва 2008 йил 1 январдан кучга кирадиган ўзгаришлар, мамлакатимизда олиб борилаётган давлат қурилиши ва бошқарувни эркинлаштиришнинг мантиқий давомидир. Бу ўзгаришлар давлат ҳокимияти вазифаларини янада аниқлаштиради, масъулиятини кучайтиради ҳамда қонунлардаги такрорланишларга барҳам беришни назарда тутади.

Конституциянинг 89-моддаси "Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди", деб ўзгартирилди. Бу тузатиш натижасида Президент энди ижро ҳокимиятини бошқармайди. Бу Президент мавқеини асло сусайтирмайди, унинг масъулиятини камайтирмайди. Масаланинг бундай қўйилиши барча ҳокимият тармоқлари мавқеини тенглаштиради. Президент эса давлат бошлиғи сифатида барча давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди.

Конституциямизнинг "Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади", деган қоидаси жорий йилда ўз таъсирини янада кучли намоён этди. 2007 йилнинг "Ижтимоий ҳимоя йили" деб номланиши муносабати билан амалга оширилган ишлар Конституцияда белгиланган ижтимоий адолат принципининг кенг амал қилишини таъминлади ва турмушимизнинг фаровонлашувига ўз таъсирини кўрсатди.

Бизда Конституцияни ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. 2001 йил 4 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойишидан сўнг Конституцияни ўрганишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Конституция мактабгача таълим муассасаларида, барча ўқув масканларида махсус дастурлар асосида ўрганилмоқда. Шу мақсадда кўплаб қўлланмалар, кўргазмали материаллар тайёрланди. Айтиш мумкинки, Конституцияни ўрганиш жараёни ҳуқуқий саводхонликка эришишдаги янги босқични бошлаб берди. Зеро, бу иш янада изчил давом этиши керак. Муассасаларда, ташкилотларда, маҳаллаларда, қолаверса, оилаларда уни ўрганишни йўлга қўйиш ҳар бир фуқаронинг ўз ҳақ-ҳуқуқини мукаммал англашига олиб келади. Зотан, ўз ҳақ-ҳуқуқини мукаммал англаган кишилар жамият тараққиёти учун фойдали инсонлар ҳисобланишади.

Башарият тарихида давлатнинг асосий қонуни бўлиб вужудга келган Конституция бугунги кунда ўзининг вазифаси доирасининг кенгайиши натижасида жамият қонунига айланди. Конституциявий ривожланишга эса барча халқлар, давлатлар ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бу хайрли юмушда бизнинг ҳам улушимиз борлигидан фахрланамиз.

**Озод ҲУСАНОВ,**
**юридик фанлари доктори, профессор.**



## Корхонада иш қизғин

*Шу кунлари «Қувадонмаҳсулотлари» акциядорлик жамиятининг омихта ем, ун ишлаб чиқариш, уруғлик дон тайёрлаш ҳамда макарон цехларида иш қизғин.*

*Корхона бу йил Қува тумани ва Қувасой шаҳридаги фермер хўжаликларига 2,5 минг тоннадан зиёд уруғлик дон етказиб берди. Бу борада Акбаробод, Янгиқишлоқ ва Беҳизор дон тарқатиш шохобчалари намунали хизмат кўрсатди. Жамият бугунги кунда фермер хўжаликларидан ташқари Тошкент вилоятидаги «Оҳангарондон», «Тошкентдон» акциядорлик жамиятлари ҳамда «Ғалла Ал-Тек» сингари кўплаб корхоналарга ҳам уруғлик дон етказиб бермоқда.*

*Айни пайтда, таъкидлаш жоизки, «Қувадонмаҳсулотлари» акциядорлик жамиятининг ун ишлаб чиқариш цехида бир суткада 120 тоннагача маҳсулот тайёрланмоқда.*

**СУРАТДА:** «Қувадонмаҳсулотлари» акциядорлик жамиятининг ун ишлаб чиқариш цехи ишчиси Содиқ Набиев.

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.**

**Анжуман**

***Кеча Тошкентдаги "Пойтахт" меҳмонхонасида "TexnoFoodServis" масъулияти чекланган жамияти ташаббуси билан семинар ўтказилди. Бундан кўзланган мақсад, кенг жамоатчиликни мазкур жамият томонидан хориждан келтирилаётган навбатдаги замонавий ускуналар, қайта ишлаш технологиялари ҳақида хабардор қилиш эди.***

# Ишбилармонларга илғор технологиялар

"TexnoFoodServis"ни бугун мамлакатимиз мулкдорлари, айниқса, фермерлар яхши билишади. Чунки мазкур жамият фермер ва тадбиркорларга Россия, Беларусь, Украина каби давлатларнинг бир қатор илғор компания ҳамда фирмаларида ишлаб чиқарилган ускуналар, замонавий технологияларни харид қилишда яқиндан ёрдам бериб келаяпти. Масалан, жамият ўзининг қисқа фаолияти давомида 100 нафардан ортиқ ишбилармонларга бу борада яқиндан кўмак берди.

— Биз нафақат хориж давлатларидан технологиялар келтирамиз, балки хусусий тадбиркорлар, фермерларга зарур маслаҳатлар берамиз, сифатли сервис хизматлари кўрсатамиз, — дейди жамият директори Дмитрий Кучкаров. – Шунингдек, ишлаб чиқарувчиларни юртимизга таклиф этиб, мижозлар билан учрашувлар уюштирамиз. Бугунги семинарга ҳам Россиянинг "Восход" фирмасидан вакиллар таклиф қилганмиз.

Анжуманда "Восход" фирмасининг "Муссон-ротор", "Циклон-ротор", "Муссон-турбо", "Прима", "Бриз" русумидаги юқори сифатли нон цехлари ҳақида маълумот берилиб, бу ускуналарнинг тайёрланиш жараёни ва уларнинг имкониятлари акс эттирилган ҳужжатли фильм намойиш этилди. Шунингдек, семинар қатнашчилари "TexnoFoodServis" жамияти томонидан таклиф этилаётган макарон ва қандолатчилик цехлари, тегирмонлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган ва қуритадиган техникалар ҳақида керакли маълумотни олишди.

**С. РАҲМОНОВ.**

# ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМНИНГ АҲАМИЯТИ

***Тошкентдаги "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида "Экосан" халқаро ташкилоти, республика "Оила" илмий-амалий маркази ҳамда шаҳарча ҳокимияти ҳамкорлигида маърифий тадбир ўтказилди. У "Оилада турмуш маданиятининг долзарб масалалари" мавзусига бағишланди.***

Ташкилотчиларнинг айтишича, бу мавзу бежиз танланмаган. Чунки ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан етук, маънан ва ақлан соғлом, гигиена ва экологик маданияти юқори бўлиб камол топишида оила асосий роль ўйнайди. Шу боисдан олий ўқув юртларининг оила қуриш остонасидаги бир қатор талабаларига тиббий, ҳуқуқий ва экологик таълимнинг аҳамияти хусусида атрофлича маълумот берилди.

Сўз олганлар мамлакатимизда ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида алоҳида тўхталдилар. Нуронийлар эса ёшларга ўзларининг ҳаёт тажрибаларини сўзлаб бердилар.

Тадбир сўнгида "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида истиқомат қилаётган ёш оилалар ҳамда ёш экологлар клуби фаолларига "Экосан" халқаро ташкилотининг 1,3 миллион сўмлик совғалари топширилди.

**Р. САИДОВ.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Энергияга эҳтиёж туфайли

***Франциянинг Areva компанияси Хитойнинг миллий атом корпорацияси билан иккита учинчи авлод атом реактори етказиб бериш бўйича шартнома имзолади.***

Шартнома баҳоси 8 миллиард евро(11,9 миллиард доллар)ни ташкил этади.

Areva компанияси президенти Анна Лавержеоннинг таъкидлашича, реакторлар Хитойга 2013 ва 2015 йилларда етказиб берилади. Сал олдинроқ расмий Пекин АҚШнинг Westinghouse Electric Co компанияси билан ҳам шундай шартнома тузганди. Энергияга бўлган эҳтиёж Хитой ҳукуматини кўплаб атом электростанциялари қуришга мажбур этмоқда.

## Хайр, доллар



***Эрон ислом республикаси хорижий давлатлар билан ҳисоб-китобни амалга оширишда доллардан фойдаланмайди.***

Шунингдек, ўз нефть ва газини ҳам долларда сотмайди. Бу ҳақда мамлакат парламенти раиси Ғуломали Ҳаддод Одил Бокуга сафари чоғидаги матбуот анжуманида маълум қилди.

«Фақат Эрон эмас, яна бир неча давлат доллардан воз кечишни режалаштириб турибди. Чунки АҚШнинг бир томонлама сиёсати бизни шундай йўл тутишга мажбур қилмоқда», деди у.

## Табиий офат келтирган зарар

***Тинч океанида пайдо бўлган «Митаг» довули якшанба куни тунда Филиппиннинг Изабелла музофотига етиб келди ва мамлакат шимолидаги Лусон ороли томон ҳаракатланишда давом этмоқда.***

Дастлабки хабарларга қараганда, довул туфайли юзага келган тошқин оқибатида Каринес-Сур музофотида етти киши жабрланган.

Соатига 160 километр тезликда ҳаракатланаётган «Митаг» ўнлаб шаҳар ва қишлоқларнинг электр энергиясиз қолишига сабаб бўлди. Табиий офат содир бўлган жойлардан ҳозирча 300 минг нафар одам эвакуация қилинди, яна бир миллион нафарга яқин киши хавфсиз жойларга кўчирилиши керак.

***Бразилиянинг Салвадор шаҳридаги «Фонте Нова» стадиони трибунаси қулаб тушиши оқибатида 7 нафар киши ҳалок бўлди, 30 нафар ишқибоз жароҳатланди.***



## Стадиондаги фожиа

Хабарларга қараганда, воқеа якшанба куни «Баия» ва «Вила Нова» жамоалари ўйинидан сўнг содир бўлган. Воқеа иштирокчиларининг таъкидлашича, билет етмаган минглаб ишқибозлар зўрлик билан стадионга киришган. Натижада ўйин охирида темир конструкциялари чириб қолган трибуна қулаб тушган.

## Собиқ раҳбар юртига қайтди

Кеча Покистоннинг собиқ бош вазири Навоз Шариф Саудия Арабистонидан ўз юртига қайтди. У 1999 йилда ҳукумат раҳбарлигидан четлатилган ва хорижга кетишга мажбур бўлган эди. Собиқ бош вазирнинг қайтиши муносабати билан Покистонда унинг мингга яқин тарафдорлари қамоққа олинди.

Навоз Шариф яна бир собиқ бош вазир Беназир Бхутто билан мухолифатдаги кучларни бирлаштириш режасини тузмоқчи. Эслатиб ўтамиз, келгуси йилнинг 8 январь куни мамлакатда парламент сайлови бўлиб ўтади.

## Полиция билан тўқнашув



*Париждан тахминан 20 километр узоқликда жойлашган Вилье-ле-Бель шаҳрида полиция ва ёшлар ўртасида қаттиқ тўқнашув бўлди.*

ИТАР-ТАСС хабарига қараганда, мотоциклда кетаётган икки ўсмирнинг полиция машинасига урилиб кетиши оқибатида ҳалок бўлиши тартибсизликни келтириб чиқарган.

Ўсмирлар ҳалок бўлгани ҳақидаги хабарни эшитган 200 нафарга яқин ёшлар кўчага чиқиб дуч келган нарсага ўт қўя бошлаганлар, йўл чироқларини синдиришган.

Воқеа жойига етиб келган полиция вакилларига ҳам ҳужум уюштирилган. Тўқнашув натижасида 20 нафарга яқин полициячи ва ўт ўчирувчи турли даражада тан жароҳати олган, икки полиция участкаси, вокзал, бир неча дўкон, йигирмага яқин автомобиль ёқиб юборилган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди***


РЕСПУБЛИКА АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

«ҒАЛЛАБАНК»

ҳамюртларимизга қуйидаги юқори фоизли янги омонат турлари амалга киритилганлигини маълум қилади:

«HAMKOR» — 1 ой

«QADRIYAT» — 3 ой

«YOSH OILA» — 6 ой

Мазкур омонат турлари 2007 йилнинг 15 декабрига қадар қабул қилинади ва йиллик 25% миқдорида устама ҳисобланади.

Шунингдек, «Ғаллабанк» барча турдаги хўжалик субъектлари раҳбарларига:

*ходимларга ўз вақтида, қулай тарзда маош тарқатиш;*

*тўловлар бўйича ҳисоб ишларини енгиллаштириш*

имкониятини яратиш мақсадида банкнинг пластик карточкалар орқали «Иш ҳақи» лойиҳасидан фойдаланишни таклиф қилади.

Хизматлар лицензияланган

Маълумотлар учун телефонлар: 136-71-72, 136-74-30, 133-98-80.

«Ғаллабанк» хонадонингизга барака келтирсин!


***Жиззах шаҳар прокуратураси, ИИБ ҳамда «Камолот» Ёшлар Ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши Бандликка кўмаклашиш маркази ҳамкорлигида «Бўш иш ўринлари ярмаркаси»ни ўтказди.***

## ИШЛАМОҚЧИМИСИЗ, ЯРМАРКАГА ҚАТНАШИНГ

Яхши хабар

Ярмаркада қатнашган 30 та корхона ва ташкилот аҳолига ўзларининг 100 га яқин иш ўринларини тавсия этдилар. Тадбирга шаҳардаги коллежларнинг битирувчи босқич ўқувчиларининг таклиф этилгани меҳнат жамоаларининг ходимлар, ишчи-хизматчилар танлаш бўйича галдаги вазифаларини ҳал этишлари учун ўзига хос асос яратди.

«Жиззахпластмасса» ОАЖ ҳамда вилоят электр тармоқлари корхонаси эса ярмарка иштирокчиларига ўнлаб турдаги маҳсулотларни намойиш этиб, ёшларни касаначилик фаолиятига даъват қилдилар.

Шу куни 89 киши иш билан таъминланди.

**Б. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ

КЎЧАТХОНА ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН

манзарали, игнабаргли, япроқли дарахт ва буталар — қарағайлар, арчалар, қора арча, туя дарахтлари, юккалар, каштанлар, толлар, шамшод, бересклет, ҳинд сирени, Сурия атиргулини сотади.
Офис ва қишки боғ учун пальмалар: хурмо,трахикарпус, вашингтония.
Мева берувчи апельсин, мандарин, лимон дарахтлари.
Кўкаламзорлаштириш, ландшафт дизайни.

Манзил: 100187, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Қурбонов к., 91-уй. 16, 89-автобусларнинг «Автойўлмехбаза» бекати. Мўлжал — масжид.
Телефон: 266-88-68. Уяли телефон: 317-33-45, 387-16-57.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru


***Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан "Дом стиля" ва "Осиё рамзи" модельерлар уюшмалари билан ҳамкорликда ташкил этилган "Style.Uz" Мода ва дизайн ҳафталиги бошланди.***

# МОДА ВА ДИЗАЙН ҲАФТАЛИГИ БОШЛАНДИ

Ушбу йирик лойиҳадан кўзланган асосий мақсад – мамлакатимизда мода ва дизайн соҳасида эришилган ютуқлар билан жамоатчиликни кенгроқ таништириш, истеъдодли ёшларнинг ижоди ва интилишини тўлиқроқ намоён этишига яқиндан кўмаклашиш, мода ва дизайн йўналишида юртимиз ҳамда хорижлик мутахассисларнинг ўзаро фикр ва тажриба алмашишига имкон яратишдан иборатдир.

Юртимизда мода ва дизайн ривожига кўрсатилаётган эътибор ўз ижобий самараларини бермоқда. "Осиё рамзи" модельерлар уюшмаси раҳбари Ҳолида Комилованинг таъкидлашича, юртимизда ўтказилаётган турли либослар фестиваллари, жумладан, ўтган йили "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган Мода ва дизайн ҳафталигининг фаол қатнашчилари халқаро миқёсдаги фестиваль ва кўрикларда муваффақият билан иштирок этмоқда. Саида Амир, Умида Мўминова, Дилноза Авезова, Артём Дробишев сингари ёш модельерларимизнинг Франция, Хитой, Чехиядаги модалар ҳафталиги, либослар фестивали ва нуфузли танловларда эришган ютуқлари бунинг ёрқин далилидир.

Бу йилги мода ва дизайн ҳафталиги қамровининг кенглиги, унда Япония, Россия, Германия, Франция каби давлатлардан машҳур дизайнерлар иштирок этаётгани билан аҳамиятлидир. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг иқтидорли ёш модельерлари ижодига бағишланган Миллий либослар фестивали, ёш дизайнерларнинг "Underground" модалар намойиши, графика ва фотография танлови, жаҳоннинг таниқли дизайнер ва стилчи-мутахассислари иштирокидаги маҳорат сабоқлари, тақдимот маросимлари, кўргазмалар, ижодий мулоқот ва давра суҳбатлари, концертлар мода ва дизайн ҳафталигининг энг ёрқин тадбирлари сирасига киради.

Иваййа Тошикадзу – Япониянинг ёшлар модаси йўналишида фаолият кўрсатаётган машҳур модельерларидан. У юртимиздаги мода ва дизайн ҳафталигида ўзининг ёшлар учун мўлжалланган туркум либослар тўплами билан иштирок этмоқда.

Ўзбекистондаги мода ва дизайн ҳафталиги кўтаринки руҳи, юксак савияси, ранг-баранг йўналишлари, ўзида миллий ва замонавий мода услубларини мужассам этгани билан аҳамиятлидир, — дейди И.Тошикадзу. — Бундай тадбирда қатнашаётганимдан беҳад мамнунман. Ҳафталик нафақат фикр ва тажриба алмашиш, балки янгидан-янги ижодий ғояларнинг туғилиши, истеъдодларнинг кашф этилишида муҳим аҳамиятга эга.

— Юртингизга биринчи марта келишим, — дейди ҳафталикнинг яна бир фахрий меҳмони, Франциянинг номдор дизайнерларидан бири Паскаль Морабито. — Ўзбекистон миллий либосларининг тарихи, анъаналари юксак санъат даражасига кўтарилган. Мен юртингизда аҳолининг, айниқса, хотин-қизларнинг жуда дид билан кийинишининг гувоҳи бўлдим. Буларнинг барчаси мамлакатингизда халқ фаровонлигини янада юксалтириш борасида кўрсатилаётган улкан эътиборнинг самараларидандир.

Ҳафталикнинг очилишида Япония, Франция ҳамда ўзбекистонлик дизайнерларнинг либослар коллекцияси намойиш этилди. Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги концерт дастури байрамга янада кўтаринкилик бахш этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**


Обуна 902 индекси билан «Матбуот тарқатувчи» АЖ ва «Ўзбекистон почтаси»нинг барча бўлимларида ҳамда таҳририят билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали амалга оширилади




Республика суд-ҳуқуқ идораларининг "HUQUQ va BURCH" ижтимоий-ҳуқуқий, ойлик, рангли, оммабоп журналига обуна бўлинг!

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй. Тел.: 133-96-17. Факс: 133-68-26.


## INTER-PRESS-2008



**"Cosmopolitan" журналига обунани олдиндан расмийлаштирган олимақом услуб тарафдорлари ўз-ўзидан VIP-персоналар тоифасига кўтарилади. Пойтахт ва Тошкент вилоятидаги босма маҳсулотларнинг етакчи улгуржи ва чакана дистрибьютори бўлмиш "INTER-PRESS" компанияси 2007 йилги обуна мавсумининг навбатдаги акциясини бошлади.**

**Биз батафсил маълумот олиш учун "INTER-PRESS" АА бош директорининг ўринбосари Юлий Акремович КЛЕБЛЕЕВга мурожаат қилдик.**

— Мамлакатимизнинг ташқи олам билан иқтисодий ва маданий ҳамкорлик доираси анча кенгайди, — деб қайд этди у, — ва биз бугун таркиб топган умумжаҳон тамойилларини ҳисобга олишга мажбурмиз. Улардан бири — ўқувчиларнинг қизиқиши тобора ортиб бораётган юлдузлар ва уларнинг ҳаёт тарзи ҳақидаги нашрлар ҳиссасини мунтазам ошириш саналади. Ўзингиз хулоса чиқаринг: уч йил ичида жаҳонда оммабоп нашрларнинг ўқувчилари 109 фоизга ортди. Бизнинг ҳамюртларимиз ҳам бундан четда қолмадилар, шу сабабли сўнгги икки йил ичида "INTER-PRESS" сўз бойлигида "гламур" жумласи сезиларли даражада тош босди. Албатта, аҳоли даромадларининг ошиши ва кўнгилочар саноатнинг илдам ривожланиши ҳам бунга ўз таъсирини кўрсатди.

Обуначиларимиз орасида аёллар салмоғи сезиларли эканлигини эътиборга олган ҳолда, биз уларни VIP-обуначилар тоифасига ўтказишга қарор қилдик. Доимий мижозларимиз "Интер-почта" курьерлари нашрларни тезкор ва ишончли етказиб беришларини ўз тажрибаларидан биладилар. Энди бу хизматлар "экстра-формат" ҳам касб этади. Ҳозирги обуна кампаниясининг барча икир-чикирлари ва совғаларини ҳозирча ошкор қилмайман, фақат "Cosmopolitan"нинг ҳар бир обуначиси севимли "Космополитен" журналининг 13-махсус сонини совға сифатида олишини айтишим мумкин. Янгиликларимизни кузатиб боринг.

Дарвоқе, "INTER-PRESS" АА ҳозирда Россияда шу йил кузда чиқарилиши мўлжалланаётган юлдузлар ҳаёти ҳақидаги бир қатор янги нашрларга обуна имкониятини кўриб чиқаётгани ҳақида хабар топдик. Энг шов-шувли премьералар орасида "StarHit" журнали, ялтироқ бичимдаги "юлдузлар, турмуш тарзи ва ТВ-янгиликлар"дан микс бор. Янги нашрнинг бош муҳаррири ҳам ноёб шахс — у Россия шоу-бизнесидаги энг таниқли шахслардан бири бўлган Андрей Малаховдир.


INTER-PRESS ИНФОРМАЦИОННОЕ АГЕНТСТВО
КОРПОРАТИВ ОБУНА

100011, Ўзбекистон, Тошкент, Навоий кўч., 13
Тел./факслар: (998 97) 119 00 00, 144 22 21
Тел.: (998 97) 119 83 83, 155 09 55
E-mail: book@interpress.uz
Http:// www.interpress.uz



*Озиқ-овқат, енгил саноат ва ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчилар, улгуржи базалар, истеъмолчилар диққатига!*

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Беруний кўчаси, 41-уй «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмасининг «Халқ истеъмоли товарларининг кўргазма-ярмарка савдоси республика маркази» биносида шу йил 4-6 декабрь кунлари




«Ёғмойозиқовқатсаноат», «Ўзгўштсутсаноат», «Ўзбекчармпойабзали», «Ўзэлтехсаноат» уюшмалари, «Ўзвинсаноат-холдинг», «Ўздонмаҳсулот», «Ўзавтосаноат», «Ўзкимёсаноат», «Ўзбекенгилсаноат» компаниялари, «Ўзметкомбинат» АИЧБ, Республика савдо-саноат палатаси, хусусий тадбиркорлар томонидан 2008 йилда ишлаб чиқариладиган гўшт ва сут маҳсулотлари, қандолат ва макарон маҳсулотлари, алкоголли ва алкоголсиз ичимликлар, консервалар, қуруқ ва қайта ишланган мева-сабзавотлар, шунингдек, енгил саноат маҳсулотлари, маиший техника, қоғоз буюмлар, маданий ва хўжалик молларига республика ҳудудида жойлашган улгуржи базалар, савдо тармоқлари ва барча истеъмолчилар билан шартномалар тузиш учун

Республика улгуржи-савдо ярмаркаси ўтказилади.

Ушбу ярмаркага мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи ҳамда савдо корхоналари, ташкилотлари, улгуржи базалар, хусусий тадбиркорлар таклиф этилади.



«ЎЗУЛГУРЖИСАВДОИНВЕСТ» уюшмаси.

Телефонлар: 139-48-26, 139-46-03, 139-10-93, 139-12-82, 139-46-97.



Организация реализует со склада в Ташкенте следующие

ШИНЫ

российского производства:

| Размер | Модель |
|---|---|
| 13,6-38 | Я-166 нс 6 |
| 15,5-38 | Ф-2АД нс8 |
| 9,00-16 | Я-324А нс10 |
| 28,1R26 | ФД-12М нс12 и 158 |
| 9,5-42 | Я-183 нс8 |
| 18,4/78-30 | Я-319 нс8 и 139 |
| 10.00R20 | И-281, У-4 нс 16 |
| 8,25 R20 | |

а также любые другие модели под заказ.

Адрес: г. Ташкент, ул. У. Юсупова, 36.
Тел./факс: 144-71-75, 144-30-79.
E-mail: euroaz@mail.ru

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

Спорт • Sport • Спорт • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

*Куни кеча Жанубий Африка Республикасининг Дурбан шаҳрида футбол бўйича 2010 йилда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати саралаш баҳсларига қуръа ташланди.*

# Ўзбекистон 4-гуруҳда

Унга кўра, Осиё қитъасининг 20 та жамоаси 5 гуруҳга бўлинди.



**1-гуруҳ:** Австралия, Хитой, Ироқ, Қатар
**2-гуруҳ:** Япония, Баҳрайн, Уммон, Таиланд
**3-гуруҳ:** Жанубий Корея, КХДР, Иордания, Туркманистон
**4-гуруҳ:** Саудия Арабистони, **Ўзбекистон,** Ливан, Сингапур
**5-гуруҳ:** Эрон, Кувайт, Бирлашган Араб Амирликлари, Сурия.

Ҳар бир гуруҳдан иккитадан жамоа кейинги босқичга йўл олиб, йўлланмалар учун курашни давом эттиради. UFF матбуот хизматидан олинган хабарда айтилишича, жаҳон чемпионати финал қисми учун Европага 13 та, Африкага 5 та, Осиёга 4,5 та, Жанубий Америкага 4 та, КОНКАКАФга 3 та, Океанияга эса 0,5 та ўрин берилган. Жанубий Африка Республикаси жамоаси мезбон сифатида саралаш баҳсларсиз қатнашади.

Саралаш учрашувлари 2008 йилнинг 6 февралидан бошланади.

# ҚИШЛОҚНИНГ ЧЕМПИОН ҚИЗЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бундан икки йил олдин ишга туширилган Гувалак спорт мажмуини олиб кўрадиган бўлсак, унда ҳозир кураш, самбо, дзюдо, таэквандо, гимнастика, шахмат-шашка секциялари ишлаб турибди. Тажрибали мураббий Пўлат Омонқулов устозлик қилаётган спортчилар йирик мусобақаларда қатнашиб, медаллар шодаси билан қайтишмоқда. Гувалакликлар миллий кураш бўйича жаҳон чемпионлари Машҳура Мавлонова, Ўғилой Нуралиева, самбо кураши бўйича қитъа биринчилиги ғолиблари Динара Донаева, Дилафрўз Абдураҳимова, Соҳиба Эштемировалар билан ҳақли равишда фахрланадилар. Дилафрўз ва Соҳиба самбо кураши бўйича жаҳон юлдузлари беллашувида ҳам иштирок этишиб, олтин ва кумуш медалларга сазовор бўлишди. Бадиий гимнастика ҳали қишлоқдагина эмас, шаҳарларда ҳам кенг тарқалмаган. Лекин бу ерда ана шундай спорт секцияси ишлаб турибди.

— Ҳозир бу нафис спорт тури билан 250 нафар қиз шуғулланаяпти, — дейди ғурур билан мажмуа директори Ўктам Султонов. — Уларнинг ҳаммаси чемпион бўлмаслиги мумкин, лекин соғлом, хушқомат, ғайратли қизлар бўлиб етишишлари аниқ. Шунинг учун ҳам ота-оналар қизларини мурғаклигидан қўлидан етаклаб, бадиий гимнастика залига олиб келишаяпти. Маълумки, бу соҳада мураббий кам. Биз ўзимиздан мураббий тайёрладик. Гимнастика, акробатика билан шуғулланиб, довруғ таратган Сабоҳат Одиловани бадиий гимнастикага ихтисослаштирдик. У бир неча марта малака ошириб келди. Ҳозир қизларга маҳорат сирларини ўргатаяпти.

Ёш мураббийнинг меҳнати ўз самарасини бера бошлади. Яқинда у иккита шогирдини Германияга халқаро гимнаэстрада фестивалига олиб борди. 11-12 ёшли спортчилар даврасида Моҳичеҳра Амирова, Шоҳсанам Зиётова турли мамлакатлардан келган тенгдошларидан асло қолишмади.

Жамғарма филиалининг имкониятлари йилдан-йилга кенгаймоқда. Унинг ҳисобига маблағ ўтказаётган корхона ва ташкилотлар, тадбиркорлар сони тобора ошаяпти. Фидойи тадбиркорлар, мулкдорлар шахсий маблағлари ҳисобига спорт иншоотлари қуришаяпти.

Касби туманидаги Хўжа Касби қишлоғидаги йирик болалар спорти мажмуаси қурилишига «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби, моҳир деҳқон Зикриё Асроров бош-қош бўлди. Собиқ ширкат хўжалигининг 672 миллион сўм маблағи сарфланган бу иншоот тўлиқ туман халқ таълими бўлими ихтиёрига берилди.

Қаршилик тадбиркор Ўткир Эркаевни ҳамма болалар спорти фидойиси сифатида танийди. У ўзи яшаб турган маҳаллада болалар спорт мажмуи бунёд қилди. Унда нафақат Гулшан маҳалласи, балки ён атрофдаги 8 та маҳалланинг болалари шуғулланишаяпти. Қурилиш харажатларини ҳам, мураббийларнинг маошларини ҳам тадбиркор шахсий маблағи ҳисобидан тўлаяпти.

«Ўзим курашга қизиқаман. Қишлоқларда спортни жони дилидан севадиган ёшлар кўп. Болалигидан машқ қилишса, яхши устозлардан таълим олишса, улардан юртимиз довруғини дунёга таратадиган спортчилар етишиб чиқишига ишонаман». Бу Қарши туманидаги Ҳилол қишлоғида болалар спорти мажмуаси қурган тадбиркор Отабек Турсуновнинг сўзлари. У шу ишонч билан ўз маблағининг бир қисмини болалар спортини ривожлантиришга сарфлаяпти.

Булар давлатимиз томонидан болалар спортини ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган хайрли ишларни ҳамма қўллаб-қувватлаётганидан далолатдир.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЯНГИ РЕКОРД

***Футбол бўйича Ўзбекистон миллий чемпионати олий лигасида 27-тур учрашувлари бўлиб ўтди.***

Амалдаги чемпион "Пахтакор" сафарда "Қизилқум"га қарши майдонга тушди. Ушбу беллашувда миллий чемпионатимиз олий лигасидаги энг йирик ҳисоб қайд этилди. Пойтахтлик футболчилар рақибларини 11:0 ҳисобида доғда қолдиришга муваффақ бўлишди. Шу куни Зайниддин Тожиев ва Уче Ихероуме хет-трикка эришдилар. (Олий лигадаги бундан олдинги йирик ҳисоб 1993 йили "Сўғдиёна"—"Сурхон" учрашувида қайд этилганди. Унда мезбонлар 10:0 ҳисобида зафар қучишганди).

Аутсайдер "Металлург" ўз майдонида "Насаф"ни 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: "Навбаҳор"—"Шўртан" 2:1, "Самарқанд-Динамо"—"Бухоро" 2:1, "Машъал"—"Тўполанг" 3:0, "Вобкент"—"Нефтчи" 1:4, "Локомотив"—"Андижон" 0:1, "Трактор" — "Қурувчи" 0:3.

Турнир жадвалида "Пахтакор" 75, "Қурувчи" 68, "Машъал" 63 очко билан кучли учликдан жой олиб турибди.

**З. ЖОНИБЕКОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**


«Крокус Газ Сервис» ҚК

«Газдевайс» ЁАЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, турли русум ва катталикдаги қозонларни таклиф этади:

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари *(200 кВт ва 400 кВт);*
- буғ қозонлари *(соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);*
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари *(100 кВт ва 200 кВт);*
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар *(7 кВт дан 16 кВт гача);*
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар *(20 кВт дан 100 кВт гача);*
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар *(10 кВт дан 40 кВт гача).*

***Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.***
***Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.***

**Кўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:**
**1. Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, саноат моллари қаторида жойлашган 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 133-44-73.**
**2. Тошкент ш., С. Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кесишган жойда (Мўлжал: Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи). Тел./факс: 132-21-22, 176-77-34.**

1504Н/1823

Қурувчи, тадқиқот ва кадастр ташкилотлари диққатига!



- қурилишда ишлатиладиган ўлчов – тадқиқот асбоб-ускуналари;
- бузмасдан текшириш ва техник диагностика ўлчов асбоблари;
- оптик ва рақамли нивелирлар, оптик ва электрон теодолитлар;
- лазер ва электрон масофа ўлчагичлар;
- фибергласс ва темирли узунликни ўлчовчи рулеткалар (3м, 5м, 8м, 20м, 25м, 50м, 100м);
- Электрон тахеометрлар, GPS/ГЛОНАСС – системалари, GARMIN – шахсий ва автонавигаторлари.



Тўловни узайтириш имконияти билан, божхонада расмийлаштирилган ва сертификатланган GPS системаларини таклиф этамиз.

***Кредитга расмийлаштириш имконияти***

**Навоий кўчаси, 2-а, Тел.:1424631, 1425360. Факс:1425369.**
**E-mail.: geo_inform@yahoo.com** Маҳсулотлар сертификатланган, хизматлар лицензияга эга.

СКБ СТРОЙПРИБОР SOUTH 南方测绘 Trimble B.V.(Нидерланды) SPECTRA

1657Н/1581

Тюменская область – Ваш надежный партнер



Презентация
промышленного и инвестиционного
потенциала Тюменской области
28 ноября 2007 в 16:00
в рамках Российской
национальной выставки
в г. Ташкенте (Узбекистан)

экспозиции: нефтегазовый комплекс
машиностроение
лесная отрасль
легкая промышленность

стенд № А-4

г. Ташкент, ОАО НВК «Узэкспоцентр», ул. Амира Темура, 107

Департамент инвестиционной политики
и государственной поддержки
предпринимательства Тюменской области

1692Н/2106

РОССИЯ ВА ЎЗБЕКИСТОН
СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК

РОССИЯ МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАСИ

28 ноябрдан 1 декабргача
«Ўзэкспомарказ» МКК

НОВОСТИ yellowpages.ru DIPLOMAT ЭНЕРГЕТИКА газета.ru Uzbekistan Today FM ORIAT ПАРТНЕР ВЕСТИ.uz

1582Н/1941

ГАЗ РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАР

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS


ГАЗ-3221, Микроавтобус, 13,15 ўриндиқли


ГАЗ-31105, «ВОЛГА»


ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли


ГАЗ-32214 (4х4) "Тез ёрдам"


ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи


ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли


ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

«ОМСКШИНА» ОАЖ АВТОШИНАЛАРИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН СОТИЛАДИ. Тел.: 300-29-59



Маҳсулот сертификатланган


ГАЗ-3307 Автоэвакуатор


ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

ТЎЛОВ ШАКЛИ – ТУРЛИЧА

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

100015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-16-38, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

1582Н/1982

Товар сертифицирован
ТРУБЫ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ
Диаметр от 20 до 110 мм
с различной толщиной стенки
Для
ВОДОСНАБЖЕНИЯ
ГАЗОСНАБЖЕНИЯ
КАНАЛИЗАЦИИ
КАБЕЛЬНЫХ РАБОТ и др.



Н444
Форма оплаты – безналичный расчет.
Тел: +998 97 1587899, факс: +998 71 3682525
E-mail:trubs uz@mail.ru


«Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси жамоаси компаниянинг Навоий вилояти филиали директори Ихтибор Ниёзовага волидаи муҳтарамаси
**ОЛИЯ аянинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Молия институти жамоаси чет тиллари кафедраси катта ўқитувчиси Шоҳиста Рашидовага турмуш ўртоғи
**Абдувоҳид РАШИДОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Дори-Дармон» акциядорлик компанияси жамоаси Ўзбекистон Дорихоналар бош бошқармасининг собиқ раҳбари
**Шуҳрат Обидович САГАТОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

«Дори-Дармон» акциядорлик компанияси жамоаси доришунослик соҳаси фахрийси
**Турғунмирза ота АЗИЗОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.


Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 24132 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[t] -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 23.20 1 2 3 4 5 6 8